



Protected by PDF Anti-Copy Free

Тел: (0-366) 414-3319 | i.kattakurgan@sud.uz

**Ўзбекистон Республикаси Номидан
Халқаро Иқтисодий Суднинг
Қарори**

2022 йил 23 август

Пастдарғом тумани

**4-1402-2201/1484-сонли
иш**

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Й.Т.Норбеков раислигида, судья ёрдамчиси И.Улжаевнинг суд мажлиси котиблигида аризачи Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекциясининг жавобгар "А" оилавий корхонасига нисбатан банк ҳисоб-варағи бўйича операцияларини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси асосида Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди томонидан қўзғатилган иқтисодий ишни, Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ сайёр суд мажлиси муҳокамасида, аризачи Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекцияси вакили Д.Тўраев (2022 йил 23 майдани ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Аризачи Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекцияси Пастдарғом туманлараро иқтисодий судига жавобгар "А" оилавий корхонасига нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, ариза талабида жавобгар томонидан даъво аризада кўрсатилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмагани боис, суддан жавобгарнинг хизмат кўрсатувчи тижорат банкидаги ҳисоб-варағи бўйича банк операцияларини тўхтатишни сўраган.

Самарқанд вилоят судининг 2022 йил 27 июлдаги 127-сонли буйруғи билан Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди раиси вазифасини вақтинча бажариш Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди раиси Й.Норбеков зиммасига юклатилган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотнома тақдим этиб, жавобгар суд муҳокамаси кунига қадар камчиликларни бартараф этмагани боис, суддан аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига вакил иштирокини таъминламади. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 220-моддасига асосан, жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқишни лозим деб топди.

Суд аризачи вакилининг важларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар "А" оилавий корхонаси томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 82-моддасида, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда электрон ёки қоғоз шаклида солиқ ҳисоботида илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига назарда тутилган муддатларда солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда хабарнома юборилган.

Бироқ, жавобгар томонидан даъво аризада кўрсатилган камчиликларни 2022 йил 23 август кунига қадар бартараф этмаган.

Аризачи Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекциясининг қарорига асосан жавобгарнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари Ўзбекистон



Республикаси Солиқ Кодексининг 111-моддаси 3-қисми, 1-бандига асосан 10 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси 1-қисмига асосан, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга тўхтатиб турилади.

Ушбу Кодекснинг 3-қисмига асосан, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИПКнинг 217-моддасига асосан банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 07.01.2020 йилдаги “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаси 17-бандида, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўловида озод қилинган.

Бундай ҳолатда, суд иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, даъво аризасини қаноатлантиришни, жавобгар "А" оилавий корхонасининг банклардаги асосий ва унга очилган иккиламчи ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни солиқ органига тақдим этгунига қадар тўхтатишни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111, 273-моддаси ва Иқтисодий процессуал кодексининг 113, 176-180, 186-моддаларига асосланиб, суд

Қ А Р О Р К И Л Д И :

Аризачи Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекциясининг, жавобгар "А" оилавий корхонасига нисбатан берган аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар "А" оилавий корхонасининг банкдаги асосий ва барча ҳисоб-рақамлари ҳаракатини бюджет тўловлари ва иш ҳақидан ташқари бошқа чиқим ҳаракати жавобгар "А" оилавий корхонаси томонидан камчиликларни бартараф этганлиги тўғрисидаги маълумотни Пастдарғом тумани Давлат солиқ инспекциясига тақдим этгунига қадар тўхтатилсин.

Жавобгар "А" оилавий корхонасига хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар ўн кунлик муддатда Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида Каттакўрғон туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақли.

Судья

Й.Т.Норбеков

